

# РЎЗАНИ БУЗУВЧИ АМАЛЛАР

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



Шайх Саидаҳмад Самарқандий

ҲОҚ

Нашрга тайёрлади: Абу Абдуллоҳ Шоший

## مبطلات الصيام

[ الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча ]



الشيخ سعيد أحمد السمرقندى

٤٣٩

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Бисмиллах..

Рўзани бузувчи амалларни икки қисмга ажратиш мумкин:

Рўзани бузувчи ҳамда қазо ва каффоратни вожиб қилувчи амаллар.

Рўзани бузувчи ҳамда фақат каффоратни вожиб қилувчи амаллар.

**Биринчидан: рўзани бузувчи ҳамда қазо ва каффоратни вожиб қилувчи амаллар:**

Бундай амал биргина жинсий яқинликдир. Агар рўзадор рамазон кундузида билатуриб қасдан аёлининг олд ёки орқасига<sup>1</sup> жинсий яқинлик қилса, маний тўкиш ёки тўқмаслигидан қатъий назар гуноҳкор бўлади ҳамда рўзаси бузилиб, қазо ва каффорат вожиб бўлади.

Рўзадор фарз рўзани бузгани сабаб қазо вожиб бўлади.

Куйидаги ҳадисга биноан ушбу ҳолатда каффорат ҳам вожибdir:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
“Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига келиб шундай деди:

— Шўрим қуриди, эй Расулуллоҳ!

---

<sup>1</sup> Аёлнинг орқасига жинсий яқинлик қилиш ҳаромдир. Бу ерда масаланинг рўзага оид жиҳати баён қилинмоқда. Бундан аслу бу ишнинг жоизлиги тушунмаслиги керак.

- Нега шўринг қурийди?
- Рамазон кундузида аёлим билан қўшилиб қўйдим.
- Бир қул озод қилишга маблағинг борми?
- Йўқ.
- Кетма-кет икки ой рўза тутишга қодирмисан?
- Йўқ.
- Олтмиш нафар мискинга таом беришга имконинг борми?
- Йўқ.
- Шундан сўнг халиги киши бир четда ўтирди. Бу орада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига катта бир саватда хурмо келтирилди.
- Мана буни олиб садақа қил, дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.
- Ўзимдан камбағалроқ кишигами? Мадинанинг икки тошлоги ўртасида (яъни Мадинада) бу хурмога мендан кўра муҳтожрок кимса йўқ.
- Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кулдилар, ҳатто қозиқ тишлари кўриниб кетди.
- Бор, хурмони олиб, оиласнгга едир, дедилар у зот<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Бухорий (1936, 1937, 2600, 5368, 6087, 6709), Муслим (1111), Абу Довуд (2390), Термизий (724), Насой “Кубро”да (3117) ва Ибн Можа (1671) ривоят қилишган.

Мазкур ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қай тарзда каффорат бериш тартибини баён қилдилар. Аввало қул озод қилиш лозим. Қул озод қилишга қурби етмаса, кетма-кет икки ой рўза тутиш керак. Борди-ю, бунга ҳам қодир бўлмаса, у ҳолда олтмиш нафар мискинга таом беради. Ҳадисда зикр қилинганд ушбу тартибга риоя қилиш вожиб. Бу жумҳур уламоларнинг фикридир.

### **Мавзуга оид масала ва мулоҳазалар:**

(1) Юқоридаги ҳадисда кўрсатилганидек, каффорат рўзаси кетма-кет икки ой бўлиши лозим. Икки ой милодий тақвим билан эмас, балки ҳижрий тақвим билан ҳисобланади.

(2) Агар рамазон рўзасидан бошқа бир фарз рўза ёки нафл рўза асносида жинсий яқинлик қилса, рўзаси бузилсада каффорат бериши шарт эмас. Жумҳур уламоларнинг кескин фикри шундан иборат.

(3) Агар мусоғир ёки касал каби рамазон ойида рўза тутмаслик рухсат берилган киши кундузи жинсий яқинлик қилса гуноҳкор бўлмайди ва унга каффорат ҳам вожиб эмас. Бунинг учун аёлининг ҳам рўза тутмасликка рухсати бўлиши ёки кундузи ҳайздан покланган бўлиши каби узрли бўлиши керак. Аммо аёли рўзадор бўлса, унинг рўзасини бузиши ҳаромдир.

(4) Агар инсон бир кунда бир-неча бор жинсий яқинлик қилган бўлса, у ҳолда рожих фикрга кўра, бир бор каффорат бериши кифоя. Бу ўринда биринчи жинсий яқинлиқдан каффорат берган ёки бермаган-лигининг аҳамияти йўқ.

Агар рамазонда бир неча кун жинсий яқинлик қилган бўлса, рожих фикрга кўра жинсий яқинлик қилган ҳар бир кун учун алоҳида каффорат беради. Чунки ҳар бир кун алоҳида ибодатдир.

(5) Агар унугиб ёки рўзадорга жинсий яқинлик қилиш ҳаромлигини билмасдан жинсий яқинлик қилса, унга бирон нарса вожиб бўлмайди, маъзур тутилади. Агар у бу ишнинг ҳаромлигини билса-ю, лекин каффорат бериш лозимлигидан бехабар бўлса, у ҳолда каффорат бериши лозим бўлади.

(6) Жумхур уламоларнинг фикрича, аёл киши эрининг жинсий яқинлик қилишига рози бўлса, у ҳолда аёлга ҳам каффорат бериш вожиб бўлади. Негаки, модомики фақат эркакларга тегишли экани тўғрисида кўрсатма бўлмас экан, шаръий аҳкомлар ҳар иккисига баравар тегишилди. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: “Аёллар эркакларнинг туғишганлари (тengдошлари)дирлар (яни улар шаръий аҳкомларда баробардирлар)”<sup>3</sup>.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисда аёл кишига ҳам каффорат беришни айтмаганлари ундан каффоратни соқит қилишга далолат қилмайди. Сабаби қўйидагича:

Биринчидан, аёл киши келиб, фатво сўрагани йўқ. Фатвода бошқа инсонларнинг ҳолатини суриштириш шарт эмас. Шу боис, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бани Ғомид қабиласидан бўлмиш аёл зино

---

<sup>3</sup> Ҳасан. Абу Довуд (236), Термизий (113) ва Ахмад (6/256) ривоят қилишган.

қилганига иқрор бўлиб келганида, ундан зинокор эркак тўғрисида сўрамадилар.

Иккинчидан, аёл киши узрли бўлиши ва унга рўза тутмаслик жоиз бўлиши мумкин. Айтайлик, аёл киши кундузи ҳайдан покланса ёки сафардан қайтса ёки рўза тутишга қодир бўлмайдиган касал бўлса, унга ўша кун рўзаси вожиб бўлмайди. Мазкур сабабларга биноан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг аёлига каффорат вожиблигини айтмаган бўлишлари мумкин.

Учинчидан, эркак кишига ҳукмни баён қилиш кифоя, чунки бу ҳукм аёлни ҳам ўз ичига олади. Шунга кўра, аёл эри томонидан жинсий яқинликка мажбурланса ёки рўза тутмасликка узри бўлса, унга ҳеч нарса вожиб бўлмайди.

(7) Уламолар юқорида зикр қилинган каффоратда мискинларга бериладиган таом миқдорида ихтилофлашганлар. Имом Молик, Шофеий ва Аҳмад ҳар бир мискинга бир ҳовуч миқдорда таом берилади деганлар. Ҳанафий мазҳабига биноан эса ҳар бир мискинга икки ҳовуч миқдорда таом бериш лозим. Биринчи фикр – жумхур уламоларнинг фикри рожихроқ. Негаки, ҳадиснинг баъзи ривоятларида келишича, Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурига келтирилган хурмо тўла саватнинг сифими ўн беш соъдан иборат бўлган. Маълумки, бир соъ тўрт ҳовучга teng келади. Шунда ўн беш соъ хурмо олтмиш нафар мискинга тақсимланса, ҳар бир мискиннинг улуши чорак соъ, яъни бир ҳовучга teng келади.

(8) Агар инсон камбағаллашиб, каффорат беришга қодир бўлмаса, то каффоратга етарли маблағ топгунга

қадар унинг зиммасида қолаверади. Мазкур фикр шайхулислом Ибн Таймия қўллаб-қувватлаган ва Ибн Дақиқул Ийд рожих деб билган фикрdir. Шунингдек, бу фикр Ином Абу Ҳанифа ва Ином Моликроҳи-маҳумаллоҳ мазҳаблариdir.

### **Иккинчидан: рўзани бузадиган ва фақат қазони вожиб қиладиган амаллар**

#### **(1) Қасдан еб-ичиши:**

Бундан кўзда тутилган нарса оғиз орқали еб-ичиши<sup>4</sup>. Оғиз орқали кирган нарсанинг сув ва гўшт каби фойдали ёки заҳар ва қон сингари зарарли нарсалар бўлишининг аҳамияти йўқ. Ким қасдан ва рўзадорлигини хотирлаган ҳолда ҳалқумига бирон егулик кирилса рўзаси бузилади. Аллоҳ таоло айтади: “**Ва то тонгдан бўлмиш оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар**” [Бақара: 187]. У рўзани бузиш билан қасдан Аллоҳга осийлик қилгани учун гуноҳкор бўлади ва гуноҳидан тавба қилиб, ўша кунги рўзасининг қазосини тутиб бериши лозим.

Унутиб бирон нарса еб-ичган кишининг рўзаси бузилмайди, балки рўзасини давом эттираверади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Ким рўзадор ҳолатида унутиб бирон нарса еб-ичса,

---

<sup>4</sup> Шунингдек, овқатланиш борасида оғиз ўрнини босадиган нарса ҳам оғиз ҳукмида бўлади. Масалан, ҳалқумидан тешик очилган киши ушбу тешик орқали бирон нарса еб-ичса рўзаси бузилади.

рўзасини давом эттираверсин. Зеро, уни Аллоҳ ёдириб-ичирибди”<sup>5</sup>.

Ушбу ҳукм далил умумий айтилгани боис фарз ва нафл рўзанинг ҳар иккисига тегишлидир.

Агар инсон рамазон ойида кундузи еб-ичиш ҳаромлигини билмасдан еб-ичиб қўйса, унинг ҳолатига қаралади. Борди-ю, у мусулмон мамлакатларидан узоқда ўсиб-улғайгани ёки яқинда исломни қабул қилгани боис бу ишнинг ҳаромлигидан бехабар бўлса, у ҳолда маъзур саналиб, рўзаси бузилмайди. Агар у мусулмонлар билан аралашиб юрган, рамазон ойида кундузи еб-ичиш ҳаромлигини билмаслиги эҳтимолдан йироқ бўлса, у ҳолда рўзаси бузилади ва қазосини тутиш вожиб бўлади.

## (2) Қасддан қусиши:

Бу ўринда оз ёки кўп қусиши ўртасида фарқ йўқ, ҳар икки ҳолатда ҳам рўза бузилади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: “Ким рўзадор бўлган ҳолатида беихтиёр қусса, унга қазо йўқ. Ким атайлаб қусса, қазо тутсин”<sup>6</sup>.

Иbn Мунзирроҳимаҳуллоҳ айтади: “Уламолар қасддан қусган кишининг рўзаси бузилишига ижмо қилишган”.

<sup>5</sup> Бухорий (1933), Муслим (1155), Абу Довуд (2398), Термизий (721) ва Ибн Можа (1673) ривоят қилишган.

<sup>6</sup> Саҳиҳ. Абу Довуд (2380), Термизий (720), Ибн Можа (1676) ва Ҳоким (1/427) ривоят қилишган. Ҳадисни Албоний (“Ирвоул галил”, 930) саҳиҳ деган.

Хофиз Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ айтади: “Қусиши хусусида жумхур уламолар бехосдан қусиши билан қасдан қусиши ўртасини ажратганлар. Бехосдан қусиши рўзани бузмайди, қасдан қусган кишининг рўзаси бузилади”<sup>7</sup>.

### **(3) Ҳайз ва нифос:**

Аёл кишининг кун ботишидан бир лаҳза бўлсада олдин ҳайз ёки нифос кўриши рўзасини бузади. Бу ҳолатда рўзанинг бузилиши ва қазо вожиблигида уламолар ўртасида ихтилоф йўқ.

### **Мавзуга оид масала ва мулоҳазалар:**

**1. Агар инсон тупроқ каби озуқаликка яроқсиз нарса ёки сигаретга ўхшаш зарар ва азият берадиган нарса истеъмол қиласа, рўзаси бузилади.** Чунки рўзадор бу нарсаларни таом йўли бўлмиш оғзи билан истеъмол қилди.

**2. Рўзадор киши аёлинни ўпиши, қучоклаши ва у билан жинсий яқинлик қиласдан баданини ушлаши рўзани бузмайди.** Ойша розияллоҳу анҳо шундай дейди: “Расу-луллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўзадор бўлган ҳолларида хотинларини ўпар, рўзадор бўлган ҳолларида хотинларининг баданларини ушлар эдилар. У зот сиз эркаклар ичидаги шаҳватини тиовчироқ (яъни эҳтирослари устидан ғолиб) эдилар”<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> “Фатхул Борий” (4/206).

<sup>8</sup> Бухорий (1927), Муслим (1106), Абу Довуд (2382), Термизий (729) ва Ибн Можа (1684) ривоят қилишган.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтади: “Кунлардан бирида рўзадор ҳолимда қоним юришиб (аёлимни) ўпдим. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб: “Бугун катта бир ножӯя ишни қилиб қўйдим: рўзадор ҳолатимда (аёлимни) ўпдим” – дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Айтчи, рўзадор ҳолингда оғзингга сув олиб ғарғара қилсанг нима бўлади?”. Мен: “Зиёни йўқ” – дедим. Шунда у зот айтдилар: “Шундай экан, ўпишнинг нима зиёни бор?”<sup>9</sup>.

Аёлинин ўпиш, қучоқлаш ва жинсий алоқа қилмасдан баданини ушлаш аслида жоиз. Бироқ шаҳвати қўзғалиб, маний тўкишидан ёки аёли билан қўшилиб қўйишдан қўрқса, у ҳолда уламолар рўзадор учун бу ишларни макрух деганлар.

Шу боис, бу каби ишлар кексаларга жоиз, ёш йигитларга макруҳdir. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, “бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан рўзадор аёлининг баданини ушлаши тўғрисида сўраганда у зот рухсат берадилар. Бошқа бир киши келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан айнан шу масалани сўраганида у зот бундан қайтарадилар. Қарасалар, Расулуллоҳ соллал-

---

<sup>9</sup> Саҳих. Абу Довуд (2385), Ибн Ҳузайма (1999) ва Ҳоким (1/21) ривоят қилишган. Ҳадисни Ҳоким саҳих деган ва Заҳабий унинг фикрига қўшилган.

лоху алайҳи ва саллам рухсат берган киши кекса, бу ишдан қайтарған киши ёш йигит экан”<sup>10</sup>.

### **3. Рўзадорнинг истимно қилишининг хукми<sup>11</sup>:**

Истимно – кўл ёрдамида маний чиқариш демак. Агар рўзадор истимно қилиб, маний тўўкса, тўрут мазҳаббоши имомлар ва бошқа уламоларнинг фикрига кўра, рўзаси бузилади. Шайх Ибн Усаймийн<sup>12</sup> роҳима-хуллоҳ ушбу хукмга қўйидаги ҳадиси қудсийни далил қиласди: “Мен учун таоми, ичимлиги ва шаҳватини тарқ қиласди” [Муттрафақун алайх].

Маний чиқариш шаҳватdir. Агар инсон бу шаҳватни тарқ қилмаса, аксинча уни қондириш пайида бўлса, демак унинг рўзаси бузилади. Бироқ шаҳвоний нарсалар ҳақида хаёл суриш натижасида маний чиқиб кетса, рўзаси бузилмайди. Чунки хаёл суриш ички кечинма бўлиб, инсон бунинг учун жавобгар бўлмайди<sup>13</sup>.

<sup>10</sup> Абу Довуд (2387) ривоят қилган, санади ҳасан. Шунингдек, Байҳақий (4/231) ривоят қилган. Ҳадис ҳақида Шайх Албоний ҳасан саҳих деган.

<sup>11</sup> Маълумки, истимно қилиш ҳаромdir. Негаки, истимно қилган киши ўз шаҳватини хотинсиз ёки чўри аёлсиз қондирмоқчи бўлади. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло бундан бошқа йўл билан шаҳватини қондирмоқчи бўлгандарни ҳаддан ошувлар деб атаган: “**Магар ўз жуфту-халолларидан ва қўлларидағи чўриларидангина (сақланмайдилар). Бас улар маломат қилинмаслар.** Энди ким шундан ўзгани (зино ва шу каби шариатда ҳаром қилинган нарсаларни) истаса, бас ана ўшалар ҳаддан ошувлар-дир”[Мўъминун: 6-7].

<sup>12</sup> “Аш-шархул мумтез” (6/381).

<sup>13</sup> “Аш-шархул мумтез” (6/390).

#### **4. Мазий:**

Агар инсон аёли билан жинсий яқинлик қилмасдан күчоқлашиши ёки жинсий яқинлик тұғрисида хаёл қилиши ёки аёлининг баданини ушлаши натижасида олатидан мазий чиқса, рўзаси дуруст бўлиб, бу билан рўзаси бузилмайди. Бу Имом Абу Ҳанифа ва Имом Шофеййнинг мазҳаби ва шайхулислом Ибн Таймияроҳимаҳуллоҳ<sup>14</sup> ихтиёр қилган фикрdir.

Шайх Ибн Усаймийнроҳимаҳуллоҳ айтади: “Мазий чиқиши билан рўза бузилмаслигига далил бу ҳақда бирон далил-хужжат йўқлигидир. Негаки, рўза шариат баён қилган тарзда муайян нарсалардан тийилиш лозим бўлган ибодатдир. Бу ибодат бузилиши учун эса бирон далил бўлиши лозим”<sup>15</sup>.

Шунга қарамай, банда Раббисига ибодат қилар экан, комил савобга эришиш учун ибодатига путур еткизадиган ишлардан четланиши лозим. Чунки ибодатни дуруст бўлиши билан унинг қабул бўлиши ўртасида фарқ бор. Шундай амаллар борки, фикҳий ҳукм нуқтаи назаридан дуруст бўлсада, бироқ уни ботил қиласиган ва савобини зое қиласиган ишлар билан аралашиб қолади.

#### **5. Жанобат:**

Агар инсон кечаси аёли билан қўшилиши ёки эҳтилом бўлиши сабаб жунуб ҳолида тонг оттирса ёки кундузи рўзадор ҳолида эҳтилом бўлиб қолса, рўзаси дуруст бўлиб, бу унинг рўзасига таъсир қилмайди. “Икки сахих ҳадислар тўплами”да Ойша розияллоҳу

<sup>14</sup> “Ал-ихтиёротул фиқхийя” (108-бет).

<sup>15</sup> “Аш-шархул мумтез” (6/390).

анходан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рӯзадор ҳолларида жунуб бўлиб тонг оттирап, сўнг ғусл килиб, рӯзани давом эттирап эдилар<sup>16</sup>. Бу жанобат тўғрисида, энди уйқусида эҳтилом бўлган кишига келсақ, собиқ мақолаларимизда келтирган ҳадисга<sup>17</sup> биноан уйқудаги одамга гуноҳ ёзилмайди.

## **6. Сурма қўйиш, қўз, қулоқ ва бурунга дори томизиш ва ҳоказо ишлар:**

Кўзга сурма қўйиш ёки дори томизиш билан рўза бузилмайди. Кўзига дори томизар экан дори таъми томогига етиб борса ҳам зиёни йўқ. Чунки қўз одатий овқатланиш канали эмас. Қолаверса, сурма қўйиш рӯзани бузиши хусусида бирон саҳих ҳадис келмаган. Ҳолбуки, рўза ибодатдир, уни бузилади, дейиш учун далил керак.

Мазкур ҳукмни қулоқ ва бурунга томизиладиган дори тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Бироқ бурунга дори томизишдан сақланган афзал. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рӯзадор таҳоратда бурун чаяр экан, бурунга чуқур сув олишдан қайтарганлар. Ушбу ҳадис қўида зикр қилинади, иншааллоҳ.

## **7. Ғусл қилиш:**

Рӯзадор ғусл қилиши ёки салқинлаш мақсадида сувда чўмилиши жоиздир. Юқорида Ойша ва Умму Салама розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган ҳадисда

<sup>16</sup> Бухорий (1925), Муслим (1109) ва Абу Довуд (2388) Ойша ва Умму Салама розияллоҳу анхумодан ривоят қилишган.

<sup>17</sup> Саҳиҳ. Абу Довуд (4398), Термизий (1423) ва Ибн Хузайма (1003) ривоят қилишган. Шайх Албоний “Саҳиҳул жомеъ”да (3514) саҳиҳ деган.

Расуллороқ соллаллоху алайҳи ва салламнинг жунуб ҳолида тонг оттириб, сўнг ғусл қилганларини айтиб ўтган эдик. Шунингдек, Анас ибн Молик розияллоху анхунинг ҳозирдаги ванналарга ўхшаш ўртаси ўйик катта тоши бор бўлиб, рўзадор ҳолида ичига кириб чўмилар эди<sup>18</sup>.

### **8. Оғиз ва бурунга сув олиш:**

Оғиз ёки бурунга сув олиш рўзани бузмайди. Шундай бўлсада, рўзадорнинг бурунга чуқур сув олиши макруҳdir. “Сунан” асҳоблари Лақийт ибн Сабира розияллоху анхудан ривоят қилишган ҳадисда Расуллороқ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дейдилар: “Бурунга чуқур сув олгин, факат рўзадор ҳолатинг бундан мустаснодир”<sup>19</sup>.

Агар рўзадор бурунга сув олаётиб бехосдан томоғига сув ўтиб кетса, гарчи макруҳ саналмиш бурунга чуқур сув олган пайтда бўлсада, бу билан рўзаси бузилмайди. Чунки у буни қасдан қилмади.

### **9. Ҳижома қилдириш:**

Рўзадорнинг ҳижома қилдириши жоиздир. Рожих фикрга кўра, ҳижома қилдириш рўзани бузмайди. Чунки Расуллороқ соллаллоху алайҳи ва саллам рўзадор ҳолатларида, шунингдек, эхромда бўлган ҳолатларида ҳижома қилдирганлар<sup>20</sup>.

<sup>18</sup> Бухорий муаллақ ҳолда (4/153) ривоят қилган.

<sup>19</sup> Саҳиҳ. Абу Довуд (142, 143), Термизий (775) ва Ахмад (4/211) ривоят қилишган.

<sup>20</sup> Бухорий (1939), Абу Довуд (2372), Термизий (775) ва Ибн Можа (1682) ривоят қилишган.

Абу Саид розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рӯзадорга (аёлини) ўпиш ва ҳижома қилдириш учун рухсат бердилар”<sup>21</sup>.

Шундай бўлсада, рӯзадорнинг жисмоний заифлашишига сабаб бўлгани боис ҳижома қилдириш макрухdir. Анас розияллоху анхудан: “Рӯзадорнинг ҳижома қилдиришини макруҳ деб билармидингиз?”, деб сўралганда: “Йўқ, факат заифлашишга сабаб бўлгани учун шундай дер эдик”<sup>22</sup> – деб жавоб беради.

Энди “Ҳижома қилувчининг ҳам, қилдирувчининг ҳам рӯзаси очилади”, деган ҳадисга келсак, жумҳур уламоларнинг фикрича, ушбу ҳадис қўйидаги сабабларга кўра мансух (яъни хукми бекор қилинган)dir:

А) Доракутний ровийлари ишончли бўлган санад билан Анас розияллоху анхудан ривоят қиласди: “Рӯзадор учун дастлаб ҳижома макруҳ қилингани қўйида-гича бўлган: Жаъфар ибн Абу Толиб рӯзадор ҳолида ҳижома қилдиради. Унинг олдидан ўтган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Булар иккиси (яъни ҳижома қилувчи ва қилдирувчи)нинг рӯзаси очилди” – дейдилар. Кейинчалик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижомага рухсат берадилар”<sup>23</sup>.

<sup>21</sup> Саҳиҳ. Доракутний ва Ибн Хузайма (1968) ривоят қилишган. Ҳадисни Албоний саҳиҳ деган.

<sup>22</sup> Бухорий (1940) ривояти.

<sup>23</sup> Байҳақий (4/268) ва Доракутний (2/182) ривоят қилишган. Ҳадис ҳакида Доракутний шундай дейди: “Санад ровийларининг барчаси ишончли ровийлар. Ҳадисда бирон иллат борлигини билмайман”. Қолаверса, юкорида келтирилган Анас розияллоху

Б) Юқорида айтиб ўтилган Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳижомага рухсат берганлари айтилди. Маълумки, рухсат берилиши учун аввал ман қилинган бўлиши лозим.

### **10. Бадандан қон чиқиши:**

Рўзадорнинг баданидан қон чиқиши, бурни ёки тиши қонаши, тиш суғуриш ёки ҳуснбузарни сиқиши сабабли қон чиқиши рўзани бузмайди. Бироқ чиққан қонни ютиб юборишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

Шунингдек, лаборатория таҳлили учун ёки ўзгалир га қон бериш мақсадида шприц билан қон олиш ҳам рўзага таъсир қилмайди.

### **11. Укол олиш:**

Вена қон томирлари ёки мускуллар орқали укол олиш рўзани бузмайди.

Уламолар рўзадорнинг озиқлантирувчи уколлар олиши хусусида ихтилофлашганлар. Айрим уламоларнинг фикрича, бу тур уколлар инсонга қувват бағишлайди ва озука ўринини босади ва шу жиҳатдан рўзани бузади.

Бошқа бир гурух уламоларнинг фикрича, бундай уколлар рўзага таъсир қилмайди. Чунки инсон оғиз орқали овқатланар экан, таомни чайнаш ва ютиш билан

---

анхудан ривоят қилинган ҳадис ҳам ушбу ҳадис мазмунини кўллаб-қувватлайди. Унда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг рўздорга аёlinи ўпиш ва ҳижома учун рухсат берганлари айтилган эди.

лаззатланади. Озиқлантирувчи уколларда эса бу нарса йўқ.

Менимча, валлоҳу аълам, озиқлантирувчи укол олишга эҳтиёжи бор рўзадорлар, хаста сифатида рўза тутмаслик рухсатидан фойдаланиб, кейинчалик қазосини тутганлари афзалроқдир.

### **12. Мисвок ишлатиш:**

Рўзадор ҳар қандай вақтда: заволдан олдинми ёки кейинми, шунингдек, қуруқ ёки хўл бўлишидан қатъий назар мисвок ишлатиши жоиздир. Бунга мисвок ишлатиш хусусида келган умумий ҳадислар далил бўлади.

Бухорий роҳимахуллоҳ бу борада шундай дейди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (мисвок ишлатиш хусусида) рўзадорни бошқалардан ажратмадилар”<sup>24</sup>.

Шунингдек, тиш пастасини ишлатиш ҳам жоиз. Бироқ тиш пастасининг ҳиди ва таъми ўткир бўлгани боис, ошқозонга ўтиб кетиш эҳтимоли бўлса, у ҳолда уни ишлатиш макруҳ бўлади. Бироқ ютиб юбормасликка ўзига ишонса ва тиш пастасининг ҳиди ва таъми унчалик ўткир бўлмаса ишлатишнинг зиёни йўқ<sup>25</sup>.

### **13. Ҳидли нарсаларни ҳидлаш:**

Ҳидли нарсаларни ҳидлаш рўзани бузмайди. Шунга кўра рўзадорнинг атири ва хоҳ суюқ, хоҳ тутатқи бўлсин хушбўйликлардан фойдаланиши жоиз. Рўзадорнинг хушбўйликлардан фойдаланишини ман қилгандарнинг бирон мўътабар далили йўқ.

<sup>24</sup> “Фатхул Борий” (4/158).

<sup>25</sup> “Аш-шарҳул мумтез” (6/428-429).

#### **14. Сўлак ва балғам (қақириқ)ни ютиш:**

Рўзадор сўлагини ютиши мубоҳдир. Ҳаттоқи оғзида сўлагини тўплаб, сўнг уни ютиб юборса, модомики оғзидан ташқарига чиқармаган бўлса зиёни йўқ. Агар субҳи содикдан олдин сув ичса-ю, сўнг субҳи содик қириб аzon айтилса, оғзидаги сувнинг таъмини кеткишиш учун тупуриш шартмас. Зеро, бу каби нарсалар динимизда афв этилган ишлардандир.

Балғам (қақириқ) тўғридан-тўғри томоқдан ичга ўтиб кетса рўзага зиёни йўқ. Борди-ю, аввал оғизга тушиб, сўнг ютиб юборилса, рожих фикрга кўра рўзани бузади. Негаки, у бир жиҳатдан таомга ўхшайди. Шайх Ибн Усаймийн роҳимаҳуллоҳ ҳар икки ҳолатда ҳам балғамни ютиш билан рўза очилмаслигини рожих деб билган.

#### **15. Сақланиш имконсиз нарсалар:**

Кўча чангиги, ун элагандада кўтарилиган кепакли ғубор ва тишлар орасидаги таом қолдиқлари сингари сақланиш имконсиз ёки мashaққатли бўлган нарсалар рўзани бузмайди.

Ибн Мунзир роҳимаҳуллоҳ айтади: “Уламолар ижмо қилишганки, рўзадор чиқаришга қодир бўлмаган, сўлагига қўшиб ютиб юборадиган тиш орасидаги таом қолдиқларининг рўзага таъсири йўқ”<sup>26</sup>.

#### **16. Таомни татиб кўриш:**

Рўзадор таомни татиб кўриши жоиз. Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: “Рўзадор харид қилмоқчи бўлган сирка ва шу каби нарсаларни

---

<sup>26</sup> “Ал-ижмовъ” (16-бет), “Фатхул Борий” (4/160).

татиб кўришининг зиёни йўқ, томоғига ўтиб кетмаса бўлди”<sup>27</sup>.

Яна Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Рўзадор асал, сариёф ва шу каби нарсаларнинг таъмини билиш учун татиб кўриши, сўнг тупуриб ташлашининг зиёни йўқ”<sup>28</sup>.

Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ рўзадор ҳолида неварасига ёнғоқ чайнаб берарди.

Иброҳим Нахайй ва Икрима (роҳимаҳумаллоҳ) айтадилар: “Рўзадор аёл боласига овқат чайнаб беришининг зиёни йўқ”<sup>29</sup>.

Рўзадорга таомни татиб кўриш жоиз бўлиши учун томоғига ундан бирон нарса ўтмаслиги зарур.

### **17. Рўза ва оғир меҳнат:**

Новвойхона, шахта (кон) каби оғир меҳнатларда ишловчи кишилар рамазонда рўза тутмаслиги жоиз эмас. Чунки улар ҳам мукаллаф – шариат буйруқлари тааллуқли бўлган шахслардир.

Шайх Ибн Боз роҳимаҳуллоҳ айтади: “Машаққатли меҳнат билан шуғулланувчи шахслар кечаси рўза

<sup>27</sup> Ҳасан. Асарни Бухорий муаллақ ҳолда (4/153) ривоят қилган бўлиб, Ибн Аби Шайба (3/47) унинг Ибн Аббосгача бўлган санадини зикр қилган. Шайх Албоний асар санадини қўллаб-куватловчи бошқа ривоятлар билан асарга ҳасан деб хукм қилган. Қаранг: “Ирвоул ғалил” (937).

<sup>28</sup> Байҳақий (4/261) ва Ибн Аби Шайба (3/47) ривоят Қилишган. Мазкур асар собиқ асар санадини Қўллаб-куватлагани боис Албоний унинг санадига ҳасан деб ҳукм қилган (“Ал-ирво”, 4/86).

<sup>29</sup> Ибн Аби Шайба (3/49) ривояти.

тутишни ният қилиб тонг оттиришлари вожибидир. Борди-ю, кундуз асносида ҳолдан тойиб, оғиз очишга мажбур бўлсалар, у ҳолда зарурат микдорида рўзани бузишлари жоиз. Сўнг ўзларига муносиб вақтда рўза тутмаган кунларининг қазосини тутиб берадилар”<sup>30</sup>.

### **Эслатма:**

Айрим замонавий муолажа воситалари борки, уларни қўллаш рўзани бузмайди. Хижрий 1418-сананинг 23-28 сафар ойида бўлиб ўтган Ислом Фикҳи Академиясининг навбатдаги кенгаши қуидагиларни қарор килади<sup>31</sup>:

### **18. Муолажа таблеткалари:**

Юрак хуружи ва инсульт каби касалликларни муолажа қилиш учун тил остига қўйиладиган таблеткалар модомики ютиб юборилмаса рўзани бузмайди.

19. Аёлларнинг жинсий аъзоларига қўйиладиган дорилар (суппозиторлар, юувучи воситалар) ёки бу аъзоларга тиббий кўрик учун жарроҳлик асбобларини

<sup>30</sup> “Шайх Ибн Боз фатволари тўплами” (3/233-234). Демак, оғир меҳнат билан шугулланган кишилар аслида рамазонда рўза тутмасликлари жоиз эмас. Балки рўза тутиш учун бор имкониятларини ишга солишлари вожибидир. Имкон топғанлар рамазон ойида бундай оғир меҳнатлардан четланишлари ёки йиллик таътил муддатини рамазон ойига тўғрилашга ҳаракат қилишлари ва ҳоказо чора-тадбирларни кўришлари лозимдир. Бу ойда оғир меҳнатда ишламаслик чорасини топмаганлар имкон қадар рўзани очмасликка интилишлари, ҳолдан тойиб, ишлашга қодир бўлмай қолган кунларда рўзани бузиб, имкон топган пайтларда қазосини тутиб беришлари вожибидир.

<sup>31</sup> Доктор Али Солуснинг “Замонавий фикҳий масалалар қомуси” китобидан олинди.

(пессари, доуче, скоп) ёки табиб бармоқларини солиб кўриши рўзани бузмайди.

20. Бачадонга скоп (кўзгу) киритиш ёки спирал ўрнатиш рўзани бузмайди.

21. Аёл ёки эркакнинг сийдик йўли канали ( ёки анал тешиги)га маҳсус ингичка найча (ёхуд катетер трубаси) ёки скоп, рентген қилиш учун соя берувчи модда, бирон дори ёки қовуқни ювиш мақсадида маҳсус эритма суюқлик каби нарсаларни киритиш рўзани бузмайди.

22. Тишларни муолажа қилиш учун ичини ковлаш ёки тиш суғуриш, тишларни тозалаш, мисвок ёки тиш чўткаси ишлатиш башарти оғиздаги нарса томоқдан ўтмас экан рўзани бузмайди.

23. Оғизни чайқаш ёки ғарғара қилиш, шунингдек, оғизга сепиладиган спрей (пуркама дори)лар рўзани бузмайди. Бунинг ичун оғиз бўшлиғидаги нарса томоқдан ичга ўтмаслиги шарт.

24. Хастага кислород бериш рўзани очмайди.

25. Наркоз учун қўлланиладиган газларни хидлаш (модомики хастага озиқлантирувчи суюқликлар ичирилмаса) рўзага таъсир қилмайди.

26. Терига сингиб кирадиган турли кремлар, ёғлар, доривор ёки кимёвий моддалар билан туйинтирилган пластирларни ишлатиш рўзага таъсир қилмайди.

27. Юрак қон томирлари ёки бошқа ички аъзоларни муолажа қилиш ёки тасвирга олиш мақсадига артерия қон томирларига маҳсус ингичка найча киритиш рўзани бузмайди.

28. Ичакларни текшириш ёки уларга оид жарроҳлик амалиёти ўтказиш учун қоринга махсус скоп (кўзгу) киритиш рўзани бузмайди.

29. Жигар ёки бошқа ички аъзолардан лаборатория иши учун намуна олиш (модомики суюқ эритма ичирилмаган бўлса) рўзани очмайди.

30. Шунингдек, бош ёки орқа мияга киритилган ҳар қандай тиббий асбоб-ускуна ёки доривор моддалар рўзага таъсир қилмайди.

Мақола “Ихлос орг” веб саҳифасидан олинди.

